

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
13 май
ШАНБА

№ 39 (12987)

www.thtp.uz

Мурожаатдан сўнг...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган ҳамда давлат раҳбарининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари иш бошлаганига, шунингдек, ушбу қабулхоналарга тушаётган мурожаатлар юзасидан жойларда аҳоли билан бевосита сайёр учрашувлар ўтказила бошлаганига беш ой бўляпти.

БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО КЕТМАСИН

Орадан ўтган қисқа давр давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг бевосита иштирокидаги мазкур сайёр мулоқотлар жойларда тўпланиб қолган муаммоларни қонуний ҳал этишнинг энг самарали тамойилига айланиб улгурди. Мухими, бирорта мурожаат, ҳатто, ноконуний талаб қўйилганлари ҳам эътиборсиз қолдирилмай, атрофлича тушунтирилмоқда. Масалан, фуқаро Даврон Расулов шундай вазиятга дуч келди.

— Чорвачилик билан шуғулланиш мақсадида банкдан кредит олиш учун уч ҳафта уриндим, — дейди у. — Шундан сўнг Халқ қабулхонасига учрашдим. Улар ҳаттоимни ётиги билан тушунтиришди. Кредит учун гаров тақдим этиш имкониятини йўқлиги боис, банк рад жавобини берган экан. Қабулхонада эса суғурта қилдирганлик ҳақидаги ҳужжатим бўлса, кредит олишим мумкинлигини айтишди.

Зангиота ва Янгийўл туманларида маҳаллий давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ўтказган сайёр қабул жараёнида барча жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларига қониқарли жавоб олдилар. Айниқса, Наталья Югай кўпдан бери орзу қилиб юрган мақсадига эришадиган бўлди.

— Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинишим учун ёрдам беришларини сўраган эдим, — дейди у. — Мутасаддилар бунинг учун муким иш жойига эга бўлишим кераклигини тушунтириш билан чекла-нишмади. Туман бандлик-ка кўмаклашиш маркази берган йўлланма билан ишга жойлашиб, меҳнат дафтарчасига эга бўлганимдан сўнг белгиланган

Абдусамад Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ҚИШЛОҚ САНОАТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Мустақиллик" маҳалласи-ни саноатчилар, хунармандлар, тадбиркор ишбилармонлар маскани, дейиш мумкин. Қулай инфратузилмага эга бўлган мазкур ҳудудда бир нечта саноат кор-

хоналарининг мавжудлиги маҳалла аҳолисини узлуксиз иш билан таъминлаш, қолаверса, фуқароларнинг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Интилиш



Савдо ярмаркасида: янги шартнома имзоланмоқда.

"SANFA-PRODUCTS" масъулияти чекланган жамияти маҳалла ҳудудидаги йирик корхоналардан. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари ҳеч кимни беварқ қолдирмаяпти. Айни дамда линолеум, полга ва деворга ёпиштириладиган плиталар, изолат, фольгоизол, агломерат плиталари, синтелефон, йўлакча гиламлари сингари кўплаб маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар пишиқлиги ва сифатлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, уларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Айни дамда экспорт-боп маҳсулотлар МДХ давлат-ларига, яқин қўшни республи-

каларга пешма-пеш етказиб берилаётгани эътиборга мо-лик.

Ҳозир корхонада 70 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Унинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган "SANFA-PRODUCTS"да жорий йилнинг ўзига 10 нафар касб-хунар коллежи битирувчи-си ишга қабул қилинди. Алибек Турдиев, Ориф Соипов, Пахмиддин Хайитбоев шулар жумласидандир.

Шу ўринда таъкидлаш лозим, корхонага Хитой технологияси асосида замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Унинг имконияти тобора кенгайиб бормоқда. — Режаларимиз катта, — дейди корхона раҳбари Зокир

Хидаев. — Тикув цехини очмоқчимиз. Агар режамиз амалга ошса, яна 30 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади. Ушбу цехда замонавий кўрпа-ёстиқлар, кўрпа-тўшак жилдлари тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Маҳалламиз хотин-қизлар, кўрпа-тўшак жилдлари тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Маҳалламиз хотин-қизлар, кўрпа-тўшак жилдлари тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

Маҳалла ҳудудидаги яна бир ишлаб чиқариш корхонаси "Авангард текстиль сервис" масъулияти чекланган жамиятида ҳам ишлар қизғин. Ушбу корхона пахта чиқиндиларини қайта ишлаб, аҳоли ва буюртмачиларга пахта тойлари етказиб бераётир. 2010 йилда ишга туширилган мазкур корхона Хитой технологияси асо-

сида жиҳозланган. Бу ерда ўрнатилган ускуна ва механизмлар қунига 7-8 тонна пахта чиқиндиларини қайта ишлаб, тозаллаб, янги маҳсулот тайёрлаб бериш имкониятига эга.

Касб-хунар коллежини тамомлаган маҳалла ёшларидан Музаффар Дехқонов, Мунира Дехқонова, Зоир Давидов каби йигит-қизлар корхонанинг фаол ишчиларидан ҳисобланади. — Тўқимачилик соҳасида зарур хом ашё ҳисобланган пахта тойлари тайёрлаш жараёнида иштирок этаётганимдан хурсандман, — дейди коллеж битирувчиси Мунира Дехқонова. — Маҳалламизда мана шундай саноат корхоналарининг мавжудлиги ҳар биримизга гурур бағишлайди.

Ашурали БОЙМУРОВОВ.

Давоми 2-бетда.

Профилактика кунида...

Бутун республикада бўлган каби вилоятимизда ҳам ўтказилаётган профилактика тадбирлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

МАВЖУД МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

Бўстонлиқ тумани ҳокимлигида профилактика ишлари муҳокама-сига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар, корхона, ташкилот, таълим муассасалари ҳамда марказий шифохона вакиллари ишти-рок этди.

Таъкидланганидек, вилоят ишчи гуруҳи аъзолари томонидан жойларда ўтказилган назорат ишлари давомида бир қатор камчи-лик ва муаммолар аниқланган. Жумладан, Бўстонлиқ хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-хунар коллежида ўтказилган про-филактик тадбирда ўқувчиларнинг давомати талаб даражасида эмас-лиги маълум бўлди. Шу билан бирга муассаса ахборот-ресурс марказининг фаолияти ҳам тан-қид қилинди.

Тумандаги "Бештут" маҳалласи-да ўтказилган текширувда маҳал-ла маслаҳатчиси ва маъсул котиб томонидан ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйи-ча қилиниши керак бўлган йил дастури, ойлик режалар, муаммо-ли оилалар ҳақида маълумотлар йўқлиги аниқланган.

Давоми 2-бетда.

ҚАДДИМИЗ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Тўрт кундирки, 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган қабул маросими таассуротлари билан яшаймиз. Бунақаси ҳеч бўлма-гани. Байрам тантаналари давомида рамзий маънода акс эттирил-ган суронли уруш жангҳолири ва фронт орти меҳнат жабҳасида ҳукм сурган вазиятлар кўз олдимизда яна бир бор тақорлангандек бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ҳар бир уруш қатнашчиси ҳамда меҳнат фахрийси билан алоҳида қўришиб, ҳол-аҳвол сўраб, улар-нинг ҳурматини жойига қўйгани дилларимизни беҳад ҳушнуд этди.

Дил изҳори

Мен Польша ҳудудида илк бор жангга кирганимда 18 ёшда эдим. Бу инсоннинг энг навқирон ёши. Айнан шу даврда одам ўқиб, хунар ўрганиб, жамиятга фойда келтириш орзусида яшайди. Аммо, тақдир тақозоси билан биз шу ёшда қўлга қўрол олиб, урушга кирдик. Бугун эса юртимиз ёшларига қараб ҳавас қиламан. Ёшликдаги орзуларим эсимга тушади. Бундай дориламон кунларнинг қадрига етиш керак... Урушнинг оти ўчсин. Зеро, уруш отани боладан, акани укадан, яқин-ларни бир-бирдан жудо қилади.

Халқимиз азалдан тинчликни истай-ди.

Байрам муносабати билан уюш-тирилган тантанали қабул мароси-мида Юртбошимиз таъкидлаганла-ридек, ўзбекларга аввало тинчлик, осойишталик керак. Шукрлар бўлсинки, заҳматкаш халқимиз уруш асоратларини бартараф этиб, ул-кан бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, бугунги тинч, фаровон ҳаётга эришди. Айниқса, мустақил-лик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар асрларга татиғулик-дир.

"Сиз, муҳтарам фахрийларимиз-нинг урушдан кейинги оғир тик-ланиш йилларида қандай буюк хизмат қилганингизни ҳалқимиз асло унутмайди", деди Президен-тимиз қабул маросимида сўзлаган нутқида.

Мен оддий уруш қатнашчиси сифатида бундай ғамхўрликни де-ярли ҳар кун амалда қўриб ту-рибман десам, муболага бўлмай-ди. Туманимиз ҳокими, унинг му-овини байрам арафасида уйимиз-га галма-галдан келишиб, икки миллион сўм пул мукофоти, шу-нингдек, энг замонавий русумда-ги телевизор совға қилишди. Айниқса, Президентимиз номидан битилган ташаккурномадаги илиқ сўзлар кўнглимни тоғдек кўтарди.

Бугунги дориламон кунларимиз бардавом, эл-юртимиз тинчлиги барқарор бўлсин!

Серикбой ЮСУПОВ,
Юқори Чирчиқ тумани,
Қизилсой қишлоғи.

Маънавият

ОЛАМ ОДАМ БИЛАН ГЎЗАЛ

Болалик, ўқувчилик давримиз. Аълочи ўқув-чилар қаторида дунёнинг энг гўзал шаҳарла-ридан бири дея эътироф этилган Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига саёҳатга бор-дик. Уша давр мафқурасига кўра, бу саёҳат собиқ иттифоқнинг "пойтахти", "юраги"ни қўриб, фахр, ифтихор этиш, ёшларда ватан-парварлик туйғуларини ўш урдиришга хиз-мат қилиши керак эди... Маълум маънода бу "сиёсат" биз каби ёшлар руҳиятида ўз тасди-гини топгани бор гап. Аммо, ушбу шаҳарлар-нинг фусункорлиги, маҳаллий халқ аждола-рига қўйилган улуғвор ҳайкаллар, яшилликка бурканган истироҳат масканлари, осмонўпар бинолар, ораста кўчалар, қолаверса, ўқитув-чиларимизнинг: "Одоб сақланглар, бизларни уялтириб қўйманглар, бу ерларда энг илгор маданиятли инсонлар яшайди", деган сўзлари қалбимизда аллақандай ўкинч, армон ҳисла-рини уйғотгани ҳам рост...

Орадан кўп вақт ўтиб, аникрои, муста-қиллик йилларидан бошлаб шу ўкинчнинг ўрни тўлди, армонла-рини бобомизнинг са-лобатли ҳайкали ёни-дан ўтар экманан, қал-бимни чексиз фахр-ифтихор туйғулари эгаллайди. Анвоий гуллар, манзарали да-рахтлар, ям-яшил ис-тироҳат масканлари, бетакрор фавворала-римиз, чиннидек ял-тираб турган кенг

Давоми 4-бетда.

ТАҲЛИЛ ЧУҚУР, ЭЪТИРОЗЛАР ЎРИНЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилганимиздек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари жойлардаги ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш идораларининг ўз вазифаларини қай даражада бажарётганликлари ўрганилмоқдалар. Вилоятимиздан сай-ланган Парламент вакиллари навбатдаги ўрганишни Паркент туманида да-вом эттирдилар.

Маҳаллий кенгашларда

Дастлаб депутат ва се-наторлар ҳудуддаги аҳоли қатламлари, шу жумладан, ёшлар, тадбиркорлар, фермерлар, ижтимоий соҳа ходимлари билан бевосита учрашувлар ўтказдилар. Оз эмас, кўп эмас, 906 та хонадонда бўлиб, одамлар билан юзма-юз мулоқотга ки-ришдилар. Уларда 1 минг 882 фуқаро, 137 та тад-биркорлик субъекти қам-раб олинди.

Самимий ва дилдан кечган учрашув ва муло-қотларда аҳоли томони-дан 15 та йўналишга оид 1 минг 178 та масала кўтарилди. Уларнинг ак-сарияти уй-жой ажра-тиш, коммунал ҳўжалиги, бандлик, банк кредитла-ри, транспорт ва йўлсоз-лик масалаларига таал-луқли бўлди.

Эътиборлиси, аҳоли кўтарган муаммоларнинг 224 таси жойида ижобий

ҳал бўлди. Дейлик, Бош-қизилсой, Бўстон, Зар-кент, Қорақалпоқ, Номда-нак, Сўқоқ, Чанги, Хисо-рак қишлоқларида яшов-чи 110 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун 614,1 млн. сўм миқдори-да кредит олинишида амалий кўмак берилди. Номданак қишлоғи аҳо-лисига берилаётган тоза ичимлик суви тармоғи таъмирланди. Жами 55

нафар аёл ва ёшлар ишга жойлаштирилди.

Бу масалалар Халқ де-путатлари туман кенгаши-нинг сессиясида атроф-лича таҳлил қилинди. Ма-ҳаллий кенгаш депутатла-ри эътибори жойлардаги муаммоларга, уларни кел-тириб чиқарган сабаблар-га ва ҳал этиш йўл-йўриқ-ларига қаратилди.

Ўтказилган суҳбат ва мулоқотлардан аён бўл-дики, аҳолининг соғи-лиқни сақлаш тизимида эътирози талай. Туман марказий шифохонаси-нинг қабул бўлими эски мослаштирилган бинода фаолият юритмоқда. Му-ассаса тоза ичимлик суви, иссиқ сув билан таъминланмаган. Бўлим-да малакали шифокор-

лар, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари етиш-майди. Шошилиш тера-пия, шошилиш хирургия, болалар реанимация бў-лимлари бир жойда эмаслиги аҳолига ноқу-лайликлар туғдирмоқда. Болалар бўлимида дори воситалари билан таъ-минлаш бор-йўғи 25 фоизни ташкил этмоқда. Тумандаги мавжуд 7 та тез тиббий ёрдам шаҳоб-чаларининг иши талабга жавоб бермайди. Уларга ажратилган 13 та автома-шинанинг деярли барча-си таъмирга муҳтож.

Йиғилишда қайд этил-ганидек, тумандаги икки-та умумтаълим мактаби бинолари таъмирталаб аҳволда. 6 та умумтаълим мактаби компьютер тех-

никаси билан таъминла-маган. 8 та мактабда спорт зали мавжуд эмас. Қадрлар етишмайди.

Депутатлар кичик биз-нес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш масаласига алоҳида эъти-бор қаратдилар. 2017 йилнинг 1 апрель ҳолати-га жами рўйхатдан ўтган 762 та тадбиркорлик субъектларининг 286 таси фаолият кўрсатмаяпти. Савдо тушумига эга бўлган 567 та субъектдан 447 тасига ҳисоб-китоб терминали ўрнатилган, холос. Тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан барча молиялаш манба-лари ҳисобидан кредит-лар ажратиш ҳажми 1,29 баробарга ошган бўлса-да, бу кўрсаткич аҳолини қаноатлантирмаётир.

Давоми 2-бетда.

ТАҲЛИЛ ЧУҚУР, ЭЪТИРОЗЛАР ЎРИНЛИ БЎЛДИ

Мисол учун "Халқ банки"нинг туман филиали томонидан етарли даражада тарғибот ва тушунириш ишлари олиб борилмаганлиги сабабли мазкур банкка бириктирилган 6 минг 136 та хонадондан атиги 245 таси кредит олган. "Агробанк" АТБ туман филиалига март ойида берилган 20 дан ортиқ аризалар юзасидан кредит ажратилиши кечиктирилган. Банкка бириктирилган "Октепа" маҳалласидаги 457 та хонадондан бор-йўғи 4 та фуқарога кредит ажратилган, холос. Банклар томонидан аҳолини, айниқса, ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб этиш ишлари қонқарсиз аҳволда.

Шунингдек, сессияда милиция таянч пунктлари ва профилактика инспекторлари иши чуқур таҳлил қилинди. Камчилик

Бошланғич 1-бетда.

ларни бартараф этиш юзасидан таклифлар берилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Халқ депутатлари туман кенгаши, унинг доимий комиссиялари фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Қабул қилинган ҳужжатлар белгиланган тартибда юзасидан таъминланган, уларнинг ижро этилиши устидан назорат етарли эмас, ҳудудий муаммоларни ҳал этишда депутат сўрови имкониятларидан етарлича фойдаланилмаганлиги, туман кенгаши фаолиятида очиклини таъминлаш ҳамда унинг фаолиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар жуда суст, деб қайд этилди Парламент вакиллари.

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун олдимизда жуда катта вазифалар турганлигини яна бир қарра ҳис қилдик, — дейди Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Асқар Усмонов. — Муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларни бартараф этиш учун, аввало, биз, депутатлар бошқаларга ўрнак бўлишимиз лозим. Қолаверса, мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини сессияларда мунтазам равишда эшитиш ва уларга баҳо бериш амалиятдан самарали фойдаланишимиз нима учун лозимлигини тушуниб етдик.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алишер РАҲМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Тадбир

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳудуддаги барча умумтаълим мактабларида китоб акциялари, китобхонлик тарғиботига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

КИТОБХОНЛИК ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида бўлиб ўтган шундай тадбирда ўқувчилар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Мамакатимизда ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтириш, мактаблар кутубхонаси китоб фондиди янги адабиётлар ва зарур қўланмалар билан мунтазам бойитиб бориш, ўқувчилар ва ижодкорлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.


Ўқувчида китобга меҳр, мутолаага иштиёқни оширишда мактаб кутубхонасининг аҳамияти катта. Мазкур ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида 1 минг 40 дан ортиқ ўқувчи замонавий шартноларда таълим-тарбия олаётган бўлса, уларнинг қарийб барчаси 9 минг 200 дан зиёд китоб фондига эга муассаса кутубхонага аъзо.

Она китобхонлик шаклида ташкил этилаётган бу каби тадбирлар китобхон ўқувчиларимиз сафи янада кенгайишига хизмат қилади, — дейди 72-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби кутубхоначиси Ш. Нахимова. — Китобхон оилалар вакиллари ўз уйларида ташкил қилган шахсий кутубхоналари ҳақида сўзлаб бермоқда. Бу борада энг намунали, деб топиладиган оилалар тажрибаси тарғиб этилмоқда. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида ота-оналар учун "Фарзандимга китоб совға қилдим" акцияси ўтказилмоқда.

Ўқувчилар ижросидаги китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини тарғиб этувчи саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

МАВЖУД МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ



Текширувлар 19-мактабга таълим муассасида ҳам бир қатор муаммолари вазиятлар мавжудлигини кўрсатди. Бу ерда белгиланган иш режаси талаб даражасида эмаслиги, машғулот хоналари санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги қайд этилди.

Жойларда ўтказилаётган профилактик тадбирлар аниқланган муаммо ва камчиликларга кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш ҳамда бу йўналишда тарғибот, учрашувларни янада кўпайтириш зарурлигини кўрсатмоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзи

Бошланғич 1-бетда.

ева. — Тумандаги камчиликлар юзасидан вилоят ишчи гуруҳи вакиллари келгусида амалга оширилиши зарур ишлар кўрсатиб ўтилди.

Юқоридаги ҳолатлар атрофлича муҳокама қилиниб, воғга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг олдини олишда фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари эмас, балки маҳалла, ўқув муассасалари ва оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири эканлиги таъкидланди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



КАМОЛОТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Оҳангарон туманидаги Маданият ва истироҳат боғида "Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун" шиори остида вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги "Камалак" бола-лар ташкилотининг аънавий XVI анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман

Тадбирдан кўзланган мақсад ташкилот томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги устувор вазифаларни белгиллаб

олиш, сардорларнинг билим ва кўникмасини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш, умумтаълим мактабларидаги бошланғич

ташкilotлар иш фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчи-ёшларнинг ижодий, илмий қизиқишлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш,



Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

Келажақ авлоднинг тинч-хотиржам, нурафшон кунларини таъминлаш йўлида ҳалок бўлган қаҳрамонларни хотирада сақлаш ва сафимизда юрган мўътабар фахрийларни ҳар томонлама

эъзозлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Зотан, табаррук кексаларимизга эҳтиром кўрсатиб, уларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан ўрнак олиш умр йўлларимизни ёритиши аниқ.

МАРД ЎҒЛОНЛАР ШИЖОАТИ

Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи С. Нишонбоев ҳамда ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзолари йиғилганларни байрам билан қўтлаб, мard ўғлонларнинг фидойилиги, жиноятчиликнинг олди-

ни олиш ва унга қарши кураш йўлидаги мардонор ҳаракатлари ҳақида сўзлаб, уларнинг номлари ҳеч қачон унутилмаслигини таъкидлашди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вилоят ҳудудидида фуқароларнинг

осойишталиги ва тинчлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни фош этишда ўз хизмат вазифаларига виждонан ва сидқидилдан ёндошганликлари учун муқофотланган ходимларни тақдир-

лаш ҳамда муносибларга навбатдаги маҳсул унвонларни топириш маросимларига улашиб кетди.

Шунингдек, фахрийлар учун байрам дастурхони ёзилиб, бир пиёла чой устида суҳбатлашилди.

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,
катта лейтенант.

МЕҲР ҚОЛУР...



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

дони ҳам меҳмонлар билан гавжум бўлди. Ховли жойлар орасида, томорқага сабзавот экинлари, гул қўчалари экиди. Совға-саломлар топирилди.

Ташкилотчилар бу каби тадбирлар нафақат байрам кунлари, балки йил давомида олиб борилишини таъкидлашди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ — ИБРАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кўнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосидаги тадбирлардан бири Юқори Чирчиқ туманида ўтказилди.

"Бурча садоқат" мавзусидаги ушбу тадбир Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ҳамда таълим фан ва маданият ходимлари қасаба уюшмаси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Иккинчи жаҳон ва афгон уруши қатнашчилари, Чернобыль фожиаси иштирокчилари ҳамда фронт орти меҳнат фахрийларидан 30 на-

фарининг хонадонларига ташриф буюрилиб, уларга совға-саломлар улашилди.

Тумандаги "Бирлик" маҳалласида ҳам "Оталар жасорати — ёшларга ибрат" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, ота-оналар, ўқувчи ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари Бексит Боймурзаев, Андақул Худойбергенов, меҳнат фахрийлари Умирбек Маханов, Тошпўлат Абишев, Рая Норматова, Тамара Султонова уруш хотиралари, ҳозирги тинч-осойишта ҳаёт ҳақида хикоя қилишди.

— Мен урушга отла-

ниб, қўлимга қурол олганимда эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилагандим, — дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Бексит Боймурзаев. — Шукрки, бугун юртимиз тинч. Ёшлар учун яратилаётган имкониятлар бисёр. Шундай экан, тинчликнинг қадрига етиб, Ватан равнақи йўлида хизмат қилганим ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораверади.

Тадбир сўнгидида уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топирилди. Мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърлар ҳамда мусикий чиқишлар унга янада файз бағишлади.

Латифжон МАНСУРОВ.

Мўмин ота Ҳайиткулов ҳам Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида тенгқурлари қатори юрт тинчлиги йўлида курашиб, қаҳрамонлик намунасини кўрсатди. Бугун неварая-чеваралари ардоғидаги отахон элу-юрт ҳурматида.

ИНСОН ҚАДРИ САРБАЛАНД

Ўтганларни хотирлаш, кексаларни қадрлаш халқимизнинг аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган миллий қадриятларидан ҳисобланади, — дейди отахон. — Нафақат байрам арафасида, балки доимо давлатимиз, халқимиз эътиборида эканлигидан жуда хурсандимиз. Президентимиз қарори асосида навбатсиз "Дамас" энгил автомашинаси олишга ҳам мушарраф бўлдик. Хамма юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверсин.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши томонидан Оҳангарон туманида ташкил этилган "Хотира боқийдир, қадр муқаддас" мавзусидаги тадбирда бундай тилак ва истақлар бот-бот такрорланди. Бир пиёла чой баҳона тумандаги уруш ва меҳнат

фахрийлари дийдорлашиб, дилдан суҳбатлашилди.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда инсон қадри, унинг манфаатлари муносиб ҳимоя қилинаётгани, ижтимоий ислохотлар натижасида фуқароларнинг турмуш шартнолири яхшиланиб, истиқболга ишончи мустаҳкамлашиб бораётганини алоҳида эътироф этишди.

Шу кунги партия фаоллари тадбирда иштирок этолмаган қорахитойлик Абдурахим ота Қўчқоров ва Галима ая Тўрахонова-лар хонадонига ҳам ташриф буюришди. Уларга байрам совғалари топирилди.

Шерали ҚУТЛИМУРОВО,
Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси
ўринбосари.

ОТИНГ ҚОҚИЛМАСИН, АББОС!

Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, қолаверса, уларда соҳага оид кўникмаларни шакллантириш мақсадида қатор лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. Хусусан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес гоям" танлов кўлаб ёшларнинг бизнес соҳасидаги истеъдод ва иқтидорини юзага чиқаришда муҳим ўрин тутди.

Ташаббус

Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини ташкил этган Ўрта чирчиқлик ёш тадбиркор Аббос Исоқовни бугун туманда кўпчилик яхши билади. Унинг "Улоқ-қўпкари" хусусий корхонаси бор. Бу ерда отлар ва от спорти учун зарур анжомлар ишлаб чиқарилади.

— Ёшлар орасида от спорти, хусусан, улоқ-қўпкарига бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани сабаб айнан шу йўналишда тадбиркорлик билан шуғулланишга қарор қилдим, — дейди Аббос. — Маълумки, қадимдан ота-боболаримиз ўйнаб келган, тарихи олис ўтмишга бориб тақалладиган улоқ-қўпкари миллий қадриятларимиздан бири сифатида асрлар давомида сақланиб келмоқда. Эътибор берадиган бўлсак, бугунги кунда ҳам мазкур ўйиннинг қоидалари деярли ўзгармаган. Спортнинг бу тури йигитларни мард, жасур, ор-номусли қилиб тарбиялайди. Айтишдики, от минган бола соғлом бўлади, деб. Иш бошладим олдин вилоятимиздаги кўплаб бозорларни айланиб чиқдим. Тўғри, бозорларда от анжомлари бор, лекин бу маҳсулотлар ўзимизда ишлаб

чиқарилмаётгани сабаб нархи жуда ҳам қimmat. Хуллас, соҳанинг моддий-техник базаси у даражада ривожланмаган. Шу тариқа, ушбу спорт турини ривожлантиришга ҳисса қўйиш, қолаверса, ёшларни янада қизиқтириш мақсадида арзон ва сифатли от анжомлари ишлаб чиқаришни ният қилдим. Бизнес режамни қўллаб-қувватлашди. Аста-секин ишлар юришиб кетди.

Дарҳақиқат, бир вақтлар мўъжазгина, оддий қўл меҳнати ёрдамида оёқ кийимларни таъмирлайдиган устакхона тадбиркорнинг сазй-ҳаракати билан хусусий корхонага айланди. Бу ерда ишлаб, тажриба ортирган Аббос Исоқов янги бизнес лойиҳага қўл урди.

Қарабсизки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, пойабзал тайёрлашга ихтисослашган яна бир кичик бизнес субъекти — замонавий ускуна билан жиҳозланган корхона ўз фаолиятини бошлади. Бугун бу ерда нафақат от спорти анжомлари, балки аҳолининг кенг қатлами учун соф теридадан оёқ кийимлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Энг муҳими, қисқа вақт мобайнида

мазкур корхона сифатли маҳсулотлари билан истеъмол бозорида ўз ўрнини топди. Бугунги кунда 30 хилдан зиёд кўринишдаги сифатли ва замонавий оёқ кийимлар харидорларга чиндан ҳам манзур бўлмоқда.

— Юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган кенг имкониятлар ишбилармонлик қобилияти бор киши учун ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришда катта далда бўлмоқда, — дейди тадбиркор. — Бунга қатъий ишонч ҳосил қилдим. Илгари шундай корхона эгаси бўлишни тасаввур ҳам қилмас эдим.

Ёш тадбиркорнинг келгусидаги режалари катта. Хусусан, у жорий йилда "Менинг бизнес гоям" танловининг республика босқичида иштирок этмоқчи. Тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириб, шунинг ҳисобидан 3 нафар коллеж битирувчиларни доимий иш билан таъминлашни, шунингдек, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШКАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-хунардиректорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисида"ги Низомга асосан куйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган **ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Бўка агроиктисодиёт касб-хунардиректори	Бўка тумани, "Ғ. Азаматов" фермерлар уюшмаси
2.	Бўка қурилиш ва сервис касб-хунардиректори	Бўка тумани, "Дўстлик" фермерлар уюшмаси
3.	Бекобод санъат коллежи	Бекобод шаҳри, Галаба кўчаси

Танловда олий маълумот (маданият, спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида) таълим муассасаларида, академик лицей, ҚХК таълим йўналишларининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумотли; таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стаж 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, ҚХКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стаж талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгилашган Классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги 164-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, ўрта махсус, касб-хунардиректорларининг 2016 йил 25 июлдаги 210-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-хунардиректорларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаси"нинг малака талабларига жавоб бериши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-хунардиректорларининг таълим муассасаси бўлиши тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низом асосида куйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган **ДИРЕКТОР ЎРНИНБОСЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:

1. Чиноз агроиктисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунардиректори;
2. Бекобод хизмат кўрсатиш касб-хунардиректори;
3. Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис касб-хунардиректори.

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:

1. Қибрай тадбиркорлик касб-хунардиректори;
2. Зағитота тумани Кенсой агроиктисодиёт ва бизнес касб-хунардиректори.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:

1. Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис касб-хунардиректори.

Директор ўринбосарлари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар:

- а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, ҚХКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда табиёт соҳаси бундан мус-

тасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан, маънавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди.

б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стаж 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди.

в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-хунардиректорларининг билим соҳаси ёки умумқасбий ва махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) ёки касб-хунардиректорларининг соҳа йўналишига мос ишлаб чиқаришдаги иш стаж 5 йилдан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стаж талаб этилмайди.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунардиректорларининг бошчилиги номига ариза;
2. Сўровнома асли (сўровнома-нинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартирилганлиги ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
3. Таржimai ҳол (қўлёзма);
4. Маълумотнома (справка-объективаси);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассасаси томонидан таълим муассасаси ақаллиги ҳақида гербли муҳр билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатлар нусхаси (уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИНН, пенсия жамағири бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефон: 150-40-37.

Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг суд ижроичилари бўлими томонидан тақдим этилган, бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2017 йил 14 июнь кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги авто-транспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Чиноз тумани СИБ томонидан ФИБ Қўйи Чирчиқ туманлараро судининг 26.02.2016 йил 1-705/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган Чиноз тумани, Гул-Заробод ҚФЙ, Чиноз йўли индустрия ишлаб чиқариш корхонасига сакланган 1997 йилда и/ч., "Экспедитор ЭО-5119", бошланғич баҳоси – 42 229 031 сўм;
2. Қибрай тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 25.08.2016 йилдаги № 19282/10-сонли ижро қўйишга асосан хатланган, Қибрай тумани "Gulpoza Baraka" МЧЖ ҳарима майдонига сакланган 1987 йилда и/ч., д/р. 10 А 065 НА техник носо ҳолатда бўлган "BA3-21063", бошланғич баҳоси – 3 091 530 сўм;
3. Бўстонлик тумани СИБ томонидан ЖИБ Бўстонлик тумани судининг 11.04.2017 йилдаги № 11-1703/2364-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлик тумани "Мариям текстиль сервис" МЧЖ ҳарима майдонига сак-

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

ланаётган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10 438 ДАА бўлган "Нексия-5 150 GL", бошланғич баҳоси – 16 000 000 сўм;

4. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 1127-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳар "Махсусавдо ХК Чирчиқ", Боғишмолов кўчаси, 2-уйда сакланган, 1984 йилда и/ч., д/р. 10 V 321 GA бўлган "BA3-21063", бошланғич баҳоси – 5 484 942 сўм.
- 2017 йил 31 май кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги авто-транспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Охангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Охангарон тумани "Охангаронрахмонтранс-сервис" майдончасига сакланган:
1. ЖИБ Охангарон тумани судининг 07.05.2015 йилдаги № 1-157-сонли ижро қўйишга асосан хатланган, 1971 йилда и/ч., д/р. 10 L 646 FA, техник носо ҳолатда бўлган "BA3-21011", бошланғич баҳоси – 1 340 570 сўм 47 тийин;
2. ЖИБ Охангарон тумани судининг 25.11.2014 йилдаги № 1-387-сонли ижро қўйишга асосан хатланган, 1978 йилда и/ч., д/р. 10 M 783 JA, техник носо ҳолатда бўлган "BA3-21068", бошланғич баҳоси – 4 181 629 сўм 70 тийин;
3. ЖИБ Охангарон тумани судининг 21.01.2015 йилдаги №

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шартли билан "ноль" харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очик танлов савдоларига тақлиф этади.

Танлов савдоларига куйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Объектнинг номи	Объектнинг жойлашган манзили	Баландса сасиновчи	Баландса сасиновчи-фаворит иштироки	Объектнинг таъсифи	Инвестиция-ларнинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негиздаги таълимий-фаворит йўналиши	Инвестиция-ларнинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция-ларнинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Инвестиция-ларнинг энг кам миқдори (млн. сўм)
1	Ярим ертўла биноси	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 5/1-йўла	Ангрэн шаҳри ҳокимияти	Миллий бошқарув	Бетон плита	600	-	2	30	
2	Ярим ертўла биноси	Чирчиқ шаҳри, "Хамса" МФЙ, Захот, 20-уй	Чирчиқ шаҳри ҳокимияти	Миллий бошқарув	Бетон плита	600	-	1,5	15	
3	Сауна биноси	Олмалик шаҳри, Гайдар кўчаси	"Олмалик автомобиль ўқув йишбо чикариш комбинати" МЧЖ	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	200	-	1,5	6	
4	Соёик 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари	Ўрта Чирчиқ тумани, Йўлчи-қалъа ҚФЙ, "Йўлчиқалъа" маҳалла ҳудуди	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	300	-	1,5	8	
5	Эски мактаб биноси	Бекобод тумани, Янги ҳаёт ҚФЙ	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	800	-	3	25	
6	8-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Чиноз тумани, Яллама ҚФЙ	Чиноз тумани халқ таълими бўлими	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	400	-	2	12	
7	Янгибод идора биноси	Чиноз тумани, Янгибод ҚФЙ	Чиноз тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	100	-	2	15	
8	"Ўзбекистон" ҚНПнинг фойдаланишмётган бино-иншоотлари	Зағитота тумани, Бўзқу ҚФЙ	Зағитота тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	150	-	2	5	
9	19-сонли мактаб бино-иншоотлари	Ўрта Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудуди	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	500	-	1,5	6	
10	Соёик "Мензор" ФАП биноси	Бўка тумани, Кукорол ҚФЙ	Визитот Соғлиқни сақлаш бошқармаси	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	50	-	1	15	
11	Соёик боғча биноси	Қўйи Чирчиқ тумани, Топловот ҚФЙ, "Отажон" ф.х.у.	Туман халқ таълими бўлими	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	300	-	2	30	
12	Ўқув йишбо чикариш корхона бино-иншоотлари	Янгибўла тумани, Хўвабод кўрғони	"Олимпот тақриба-маканга таъмирлаш, ёрдамчи йишбо чикариш корхонаси" ДК	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	1500	-	2	10	
13	Миллий бино-иншоотлар	Янгибўла тумани, Гулбаҳор ҚФЙ, Ш. Рашидов кўчаси	Янгибўла тумани ободонлаштириш бўлими	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	1200	-	2	35	
14	48-сонли мактабнинг бўш турган соёик ўқув биноси	Қўйи Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, Маърифат кўчаси	Қўйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	375	-	2	60	
15	Ўқув йишбо чикариш корхона бино-иншоотлари	Қўйи Чирчиқ тумани, Гул ҚФЙ, "Туа" МФЙ	Қўйи Чирчиқ тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	200	-	1,5	10	
16	18-сонли мактаб бино-иншоотлари	Ангрэн шаҳри, Янгибод кўчаси	18-сонли умум-таълим мактаби	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	350	-	2	50	
17	Бўш турган маҳалла биноси	Бўка тумани, Ровот ҚФЙ, "Ғурият" маҳалласи	Бўка тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	25	-	1	5	
18	Текстиль ижодий уйини фойдаланишмётган биноси	Қўйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, 2-маҳалла ҳудуди	Қўйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	200	-	1,5	5	
19	"Шарий Ўзбекистон" корхонанинг фойдаланишмётган Миллий биноси	Олмалик шаҳри, "ТРЗ" маҳалласи	"Шарий Ўзбекистон" ДК	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	600	-	1,5	25	
20	"Шарий Ўзбекистон" корхонанинг фойдаланишмётган лаборатория биноси	Олмалик шаҳри, "ТРЗ" маҳалласи	"Шарий Ўзбекистон" ДК	Миллий бошқарув	Пангит гилт, бетон плита	700	-	2	40	
21	"Қўриқни туғилганини спорт зал биноси"	Охангарон тумани, Телов ҚФЙ	Охангарон тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	1500,0	-	2	40	
22	Фельдшерлик участканинг бўш турган биноси	Охангарон тумани, Олохлик ҚФЙ	Охангарон тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	400,0	-	2	20	
23	Фойдаланишмётган бино (соқ дўхон биноси)	Бекобод тумани, Чиноз ҚФЙ, "Коррабон" МФЙ	Бекобод тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	1000,0	-	2	20	
24	Соёик боғча биноси	Чиноз тумани, Арганиш ҚФЙ, "Ободон" маҳалласи	Чиноз тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	1000,0	-	2	10	
25	Фойдаланишмётган интуратор биноси	Ангрэн шаҳри, 5/3 дахаси	Ангрэн шаҳри ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	30,0	-	1	3	
26	Соёик 29-сонли мактаб бино-иншоотлари	Бекобод тумани, Маданият ҚФЙ	Бекобод тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	250,0	-	2	25	
27	Пансионат бино-иншоотлари*	Оққўрғон шаҳри, Бирлик ҚФЙ	Оққўрғон тумани ҳокимияти	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	1100,0	-	2	30	
28	Гарж, устхона ва обр-хона бино-иншоотлари	Паркент тумани, Чинги ҚФЙ	"Физика-Кулп" ижодий йишбо чикариш биномаси	Миллий бошқарув	Девор-гилт, бетон плита	250,0	-	1,5	10	

* Соғломлаштириш муассасасини ташкил этиш ва

фаолият турини 10 йилдан кам бўлмаган муддат саклаш шартли билан сотилади. Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сакланади. Танловда қолиб деб топилган талабгор шартнома имзолагандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳолашни ташкилот томонидан баҳолаштириш, бунда баҳолашга кетадиган сарф-харажатлар танлов қолиб томонидан қоланади.

Инвестиция киритиш шартли билан "ноль" харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектнинг 60 фоизидан кам бўлмаган ҳудуди (бино-иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича қолиблик баён-номаси имзолаган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай

олди-соти шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг тақлифлари билдирилган конвертлар 2017 йил 31 май кун соат 9.00 да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг конференция залида очилади. Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган тақлифларни олиш 2017 йил 26 май 18.00 да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш кун олдин тўхтатилади.

Танлов савдоси ушбу кун

бўлиб ўтмаса, тақрорий савдо-лар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 9.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муд-

датда куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманома тақдим этади:

- танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;
- нодавлат юридик шахслар учун - давлат рўйхатидаги ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;
- икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов тақлифи, унда куйидагилар бўлиши керак:
- бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштириладиган махсусот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардорлиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, махсус асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қўйилган иқтисодий самара кўрсатиладиган бизнес-режа, шу жумладан, инвестиция киритиш режаси;
- инвестиция мажбуриятларининг тақлиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан, давлат мулк объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик жиҳатида фойдаланиш шартлари;
- талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил:

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

Факс: (0-371) 230-41-80.

Интернет тармоғиданги веб-сайт: www.gki.uz,

www.gkitorg.uz,

www.tashvil.uz.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш тизими тақомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 68-сонли қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фирма номини захирага олиш,



2017-2021

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим мезон сифатида белгиланган.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда таълим ва тарбиянинг аҳамияти" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда унинг вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда иштирокчиларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юзасидан тушунчалар бериб ўтилди.

Семинарда сўзга чиққанлар Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада

ислох қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш юзасидан ўз фикрлари ва қарашларини аниқ мисоллар орқали тушунтириб беришди.

Шунингдек, ёшларни касбга йўналтириш тизimini такомиллаштириш, касб-хунар коллежлари фаолиятини меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаштириш, ўқувчиларнинг ўз келажаги ҳақидаги тасаввурларини ошириш, уларнинг меҳнат бозорида рақобатга етарлича тайёр бўлишига эришиш ҳақида сўз юритилди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган юртимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний барқарорликни таъминлаш, йигит-қизларини

мизни глобаллашув жараёнидаги турли кўринишдаги маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятига эга қилиб тарбиялашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Йигилишда мазкур ҳужжатда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш назарда тутилган бўлиб, бундай усул ва технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришдаги имкониятларини кенгайтиради.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Юлдузхон
ФАЗЛИДДИНОВА.

«ОИЛАМ – БАХТИМ, САОДАТИМ!»

Эътиборлиси, бу лавҳаларда ҳар бир оила аъзоси – ота-она, ўғил-қиз, қайнона, келин ва куёвнинг масъулияти, фарзанд тарбиясида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар рўй-рост кўрсатилди. Мақсад – нафақат оилалар, балки оила қуриш арафасида турган ёшларга ҳаётини сабоқ бериш, оила масъулияти ва никоҳнинг муқаддаслигини тушунтириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат.

– 15 май – Халқаро оила кунини вилоятимизда кенг нишонлаш аънаънага айланган, – дейди вилоят ҳокими оналик ва болаликни ҳимоя қилиш қотибати мудири

Насиба Қулбекова. – Айниқса, оилавий ажримларнинг олдини олиш, нотинч оилалар билан самарали ишлашни ташкил этиш, хотин-қизларни, ёшларимизни "оммавий маданият", диний экстремизм, терроризм, одам савдоси ва бошқа ёт ғоялардан асраш, фарзанд тарбиясида ота-она масъулиятини кучайтиришда маҳалла фаолларининг, хотин-қизлар қўмиталарининг ролини оширишда бугунгидек тадбирлар яхши самара бериши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, "Оила – муқаддас даргоҳ" танлови иштирокчилари – ҳар бир тумандан келган никоҳ арафасидаги

бўлғуси ёш оилалар – йигит-қизларнинг уларга берилган саволларга жавоблари вилоятимизнинг маънави етук, жисмонан соғлом, мустаҳкам оилалари янада кўпайишини кўрсатди. Кўрик-танлов якунларида кўра, Ўрта қирчилик бўлғуси ёш оила соҳиблари биринчи ўринни қўлга киритди.

Тадбир якунида ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Таниқли хонандаларнинг муқаддас оила мавзусидаги куй-қўшиқлари томошабинларга завқ-шавқ бағишлади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС ҒОЯЛАР ТАҚДИМОТИ

Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидида вилоят "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси Марказий банкнинг вилоят бошқармалари ҳамда бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида "Менинг бизнес ғоям" танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танлов

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, микроомиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш ва шахсий бизнесини йўлга қўйишнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчилари ўртасида аънаънани тарзда ўтказилиб келинаётган "Менинг бизнес ғоям" танлови бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур танловнинг вилоят босқичи бу йил ҳам юқори савияда ташкил этилди. Зеро, ҳудудий босқичларда иштирок этган 16 минг 486 нафардан зиёд касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари орасидан 180 нафари вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Танловнинг вилоят босқичи 3 кунлик махсус семинар-тренинг тарзида ўтказилди.

Унинг дастлабки кунидида вилоят "Ёш тадбир-

кор" консультатив маркази ва марказ бизнес тренерлари, "Ягона дарча", Савдо-саноат палатаси, Адлия бошқармаси ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари томонидан тадбиркорлик психологияси, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш тартиби, техника ва технологияларни топиш ва сотиб олиш, бизнес режа, унинг таркибий қисмлари тўғрисида маълумотлар берилди. Сўнгра тадбиркорлик фаолиятини бошлашда фойдаланиладиган қонуний-меърий ҳужжатлар тўғрисида тўлақонли маълумотлар слайдлар орқали тушунтирилди.

Танловнинг иккинчи кунини иштирокчиларга вилоятдаги тижорат банклари вакиллари томонидан кредит сиёсати, имтиёзлари ва таъминоти, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорни ўрганиш, бизнес режалар турғулининг аҳамияти, солиқ ставкаларини аниқлаш каби йўналишларда тушунчалар берилди.

Семинарнинг сўнгги кунинида тадбиркорлик йўналиши бўйича ўз бизнес режасига эга бўлган иштирокчилар учун мутахас-

сислар томонидан тадбиркорлик соҳалари бўйича (чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, ишлаб чиқариш ва ҳоказо) махсус семинар-тренинглар ташкил этилди. Махсус ўқув-семинарлар якуни бўйича иштирокчилар вилоят ишчи гуруҳи олдида ўз бизнес ғояларини намойиш қилдилар.

180 нафардан зиёд битирувчининг бизнес лойиҳалари ишчи гуруҳлар томонидан кўриб чиқилди ва шундан 11 нафари танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди. Иштирокчиларнинг 69 нафари эса вилоят бўйича ғолиб, деб эълон қилиниб, молиялаштиришга тавсия этилди. Шунингдек, қолган иштирокчиларнинг бизнес режалари тижорат банкларининг кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда банк талаблари асосида қайта кўриб чиқишга тавсия қилинди.

Танлов якунида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ғолиб ва иштирокчилар диплом, faxрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мазкур тадбирларда ғолиб бўлган ёшларга ҳамкор тижорат банклари томонидан энг ҳам иш ҳақининг 300 баробарига-ча бўлган миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Ташаббус – 2017:

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ПАРВОЗ МАЙДОНИ

Оҳангарон туманидаги "Шоштепа шамс" фермер хўжалиги бугун 77 гектар ер майдони ва 105 гектар яйловда қорамолчилик, паррандачилик ва боғдорчилик билан машғул. Мажбур сутни қайта ишлаш ҳақида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар вилоят ва пойтахтликларнинг дастурхонини беэаётир.

– Кишлоқ мулкдорларининг изчил қўллаб-қувватлашни ҳар бир фермерда ўзига ишонч уйғотади, – дейди хўжалик раҳбари Тоҳир Сайрамов. – Биз фақат бир йўналиш билангина шуғулланиб қолмасдан, маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш, кишлоққа саноатни олиб киришда фаол қатнашяпмиз. Масалан, қисқа вақт ичида фермер хўжалигимиз кўп тармоқлига айланди. Тажрибадан маълумки, етиштирилган маҳсулот хом ашё тарзида эмас, қайта ишлаб сотилса, даромад салмоқли бўлади.

– Агар кўрик-танлов ўтказилган дастлабки йилларда унда, асосан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳасида ишлайдиган тадбиркорлар, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи илгор фермерлар ва керамик буюмлар бўйича хунармандлар иштирок этган бўлса, йилдан-йилга қатнашчиларнинг фаолият турлари кенгайиб, ривожланиб бормоқда, – дейди вилоят савдо-саноат палатаси раҳбари Ф. Мамамов. – Ҳозирда иштирокчилар орасида номдор бренд остида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, фармацевтика, тўқимачилик буюмларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида муваффақиятли фаолият юритаётган тадбиркорлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, "Ташаббус" – имконият, юксалиш ва тараққиёт учун залворли қадамдир. Мазкур экспозиция бир қанча истеъдодли ва фидойи тадбиркор, фермер ва хунармандларни кашф этади, десак янглишмаймиз.

"Ташаббус – 2017" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими 22 май кунини бўлиб ўтади.

Хуришда ТУРСУНБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Офарин!

Тошкент Давлат аграр университетида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг ҳуқуқий билими, саводхонлигини янада оширишга қаратилган "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, уларни Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, юртимиз суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш ҳамда жамият ҳаётида ижтимоий фаолликларини ошириш танловнинг асосий мақсадларидан биридир.

Мазкур кўрик-танлов "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят



Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билими, саводхонлигини янада оширишга қаратилган "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими, адлия бошқармалари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят худудий бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўрик-танловда жамоалар таништирув, савол-жавоблар, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган видеоролик ёки тақдирот намойиши, жамиятда учрайдиган айрим ижтимоий муаммоларни саҳнада акс эттиришга қаратилган "Уй вазифа-

си" каби шартлар бўйича беллашилди.

Яқунда ғолиб бўлган Оққўрғон туманининг "Қамолот" жамоаси кўрик-танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди. Олмалик шаҳрининг "Парламент" жамоаси иккинчи, Юқори Чирчиқ туманининг "Ёш сенаторлар" жамоаси эса учинчи ўринга муносиб топилди.

– Танловда иштирок этиш орқали ҳуқуқий билимларимизни ошириш билан бирга, қўллаб-қувватлаш орқали, – дейди "Қамолот" жа-

моаси аъзоси Улуғбек Жумаев. – Бугун давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорлар нечоғли муҳимлигини ўз билимларимизни синовдан ўтказиш асосида яна бир қарра чуқур ҳис этдик.

Яқунда иштирокчиларга "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топишрилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Муаллиф олган сурат.

Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кунини

Бўстонлик тумани Искандар кўрғонига ярим кечаси ёшлари тахминан 20-25 ларда бўлган тўрт нафар номаълум шахс юзига қора ниқоб тортиб, хонадонларнинг бир-рига босқинчиликка тушишди. 1988 йилда туғилган уй бекасини ош пичоғи билан қўрқитиб, 2 миллион сўм пули ва бир дона нархи 400 минг сўм бўлган "Nokia-225" русумли уяли алоқа телефонини олиб, воқеа жойидан яширинишга уринишди.

НИҚОБ ОРТИДАГИ КИМ ЭДИ?

Мазкур ҳолат бўйича ўтказилган муҳокамада туман ҳокими, прокурори ва ИИБ бошлиғи иштирок этиб, воқеа етмаганлар томонидан содир этилган ўғирлик ва талончилик жиноятининг келиб чиқиш сабаблари атрофида муҳокама этилди. Сўзга чиққанлар нафақат воқеа етмаганлар иштирокида содир этилган жиноятлар, балки ҳар қандай бошқа турдаги жиноятлар ҳам жамият ҳаётига қора доғ бўлиб тушиши, лоқайдликдан воз кечиш, эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ўқув муассасалари, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этаётганлигини, ҳар бир содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга бундан буён жамоатчилик ўзининг ҳаққоний баҳосини бериб

боришини таъкидлаб ўтдилар.

– Катта ҳаёт бўсағасида турган ёшлар илм-хунар йўлини танлаш ўрнига, ўсмирлик онгида ҳорижий фильмлар таъсирида зўравонлик ва босқинчилик каби иллатлар шаклланиб, айрим ҳолларда оғир жиноятларнинг содир этилишига ҳам сабаб бўлмоқда, – дейди Бўстонлик тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари Элбек Рустамов. – Сўнгги пушаймон – ўзининг душман, де-йишди. Лекин, бу ақиданинг моҳияти ҳар доим ҳам ўз вақтида англаб етилмайди.

Жойларда жиноятчилик профилактикасига оид чора-тадбирлар кунини давом этмоқда.

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,
катта лейтенант.

Тиббиёт

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътибор берилмоқда. Соҳада олиб борилаётган сай-ҳаракатлар "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган улғувор мақсадга қаратилаётгани билан янада аҳамиятлантирилади.

Таъкидлаш керакки, ўтган йиллар мобайнида жойларда тиббий хизмат самардорлигини ошириш борасида бир қатор ишлар бажарилди. Бунини Оҳангарон тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда туман тиббиёт бирлашмасининг 250 ўринли марказий шифохонаси, кўп тармоқли марказий поликлиника ва худудлардаги 21 та кишлоқ врачлик пунктларида фаолият кўрсатаётган 120 нафар маҳалла шифокори ва 1 минг 123 нафар ўрта тиббиёт ходими томонидан 128 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Сўнгги йилларда даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастурига асосан тумандаги тиббий муассасаларда кенг қўламдаги қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Хусусан, кишлоқ врачлик пунктларининг 7 таси янгида қурилди, 3 таси мукамал-реконструкция ишлари олиб борилди. Шунингдек, марказий шифохонанинг 40 ўринли юқумли касалликлар бўлими ҳам туб-

дан янгиланиб, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. 2018-2020 йиллар учун белгиланган дастурга мувофиқ, марказий шифохонанинг асосий ва ёрдамчи биноларини мукамал таъмирлаш ҳамда шифохона худудидида кўп тармоқли марказий поликлиника қурулиши режалаштирилаётган. Шунингдек, тумандаги Телов, Кўчбулоқ, Қорахитой кишлоқларидаги врачлик пунктларини янгида бунёд этиш, Санам, Қизилой, Ёнарик, Тут, Дўстлик кишлоқларидаги врачлик пунктларини мукамал таъмирлаш кўзда тутилмоқда.

"Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади", деган олижаноб ғояни амалга ошириш жараёнида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган давлат дастур-

ларига кўра, "Саломатлик", "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари асосида туғуруқхона мажмуаси ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникага 12 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Оҳангарон нафақат вилоятда, балки республика миёсидаги энг катта худудга эга туманлардан бири ҳисобланади. Шу боис, марказий шифохонанинг 30 ўринли шошилинч тиббий ёрдам бўлими ишини такомиллаштириш билан бирга жойларда тез тиббий ёрдам бўлимлари фаолиятини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айни пайтда унинг 8 та шахобчаси 13 та тез тиббий ёрдам автоуловлари билан таъминланган. Яқин кунларда чекка худудларда яна 3 та тез ёрдам шахобчасини очиб режалаштирилмоқда. Кейинги икки йилда бўлим Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Меҳр-шафқат" фонди томонидан тақдим этилган "Дамас", қиймати 130 миллион сўмлик "Реанимобил" ҳамда "NISSAN" русумли

махсус замонавий тез тиббий ёрдам автоуловлари билан бойитилди.

– Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 5 январь ва 7 февраль кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимидидаги муаммоларни бартараф этиш, соҳани янада такомиллаштириш, кишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдамини сифатини яхшилаш, тиббиёт муассасаларида зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ва шу орқали кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди, – дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Инобат Эгамбердиева. – Фаолиятимиз юзасидан аҳолидан эътирозлар кўп экан, демак, ишга ёндошувчи бутунлай ўзгартиришимиз, халқимиз дардида дармон бўлишни ҳаётимиз мезонига айлантиришимиз шарт.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.



Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида 2017-2021 йиллар давомида ҳар бир шаҳар ва тумanning иқтисодий салоҳиятларидан тўла ва самарали фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Бу ҳужжат ижросини таъминлашнинг йўл-йўриқларини аниқ белгилаб берилаётгани халқимизни олдинда бундан да нурли манзиллар кутаётганидан далолатдир.

Вилоятимизнинг энг сўлим
гўшаларида бири бўлган
Паркент тумани жуда кўп жаб-
ҳаларда беназир салоҳиятга
эга. Хусусан, туманининг бог-
роғларида сархил узум, мева,
бепоён дала ва лалми май-
донларида кишлоқ ҳўжалик
маҳсулотлари етиштириш
учун қулай шароит мавжуд
бўлса, чорвачилики янада
кенг дивожлантиришининг ҳам

ПАРКЕНТНИНГ ЭРТАНГИ КУНИГА БИР НАЗАР

Мустақиллик берган неъматлар – тинчлик, осойишталик, фаровон турмуш, тўкин-сочинликда яшаётган халқимизнинг онги ва маънавияти ҳам даврга монанд равишда юксалиб бораётгани барча жабҳаларда яққол намоён бўлмоқда.

☐ Дилдаги гаплар

табийй имкониятлари етарли. Президентимизнинг Паркентнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиб, уни намунали туманга айлантириш

ҳақидаги фикрлари аҳолининг кўнгилдаги гап бўлди. Паркентликларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва фаровон турмушини таъминлаш мақсадида янги-янги боғлар яратиш учун ерларни бўлиб бериш ва уларга солиқ имтиёزلари жорий қилиш тўғрисидаги кўрсатмалари ҳам деҳқон соҳибкорлар учун аини мудлоа бўлди.

Айни кунларда Паркентнинг лалми ерларида яратилаётган боғ ва тоқзорлар дилни қувнатиб, кўзни яшнатди. Боғ яратувчилар энг замонавий усул, яъни томчиллатиш сугоришни йўлга қўймоқдалар. Бундай боғлар келажақда юқори сифатли, экспортбоғ, сарҳис мева ва узум бериши шубҳасиз.

Боббонларнинг нав танлаш ва агрокимё соҳасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланаётгани эътиборга моликдир. Агар гилос туманимизнинг Хисарак қишлоғида сифатли мева

берса, "Ризамат ота" узуми
Заркандта сархил бўлиб эти-
лади. Узумнинг "Паркент эти-
гули" нави асосан Сўқоқ атро-
фида, аноринг энг зўри Но-
мданақда ётади. Энди фермер-
ларимиз, деҳқон ва боғбонла-
римиз узум ва меванинг қайси
навлари ўзлари яшаб турган
хўдудда сифатли ва мўл ҳосил
беришига қараб иш юри-
таяпти. Бундай маслаҳат ке-

кир Эргашев. – Бундан буён
фақат илмга, тажрибага суян-
ган ва изланишдан, янгилик-
ка интилишдан чарчамайди-
ган фермерларга омад кулиб
бокади.

Туманда маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, шунингдек, майиз, ёнғоқ, нўхат, мош етиштириш имкониятлари кенг экани боис, тадбиркор ва фермерлар сафи кен-

лар жараёнида аҳолига етказилаётгани, ҳатто, энг чекка қишлоқларда яшаётган юрдошларимизни ҳам тадбиркорлик ҳаракатларида фаол бўлишга ундамоқда.

Паркентнинг иқтисодий саноатини оширишда марказий деҳқон бозорининг ҳам аҳамияти катта. У Тошкент вилоятининг энг гавжум, сифатли ва арзон маҳсулотлар мўл-кўл бозорларидан бири десак муболаға бўлмайди. Туғмада катта мол бозори борлиги ҳам аҳолининг қорвачилиги билан шуғулланишига қулайлик яратаяпти. Бу эасут ва гўшт маҳсулотлари нархи барқарор бўлишини таъминламоқда. Чиндан ҳам қир-адирларнинг боёёнлиги, яйловларнинг кенглиги керагича ем-хашак ҳамғариш имкониятлари борлиги қорвачиликнинг жадаллашишига туртки бўлмоқда.

Туманнинг энг катта бойлик-
ларидан бири, шубҳасиз, та-
биатининг гўзаллиги, ҳавоси-
нинг тозаллиги, одамларининг

Дарҳақиқат, паркентликлар гектарга кенгайтириш иштіёғи ҳаётанга сарасари ўларок 750 тонна, келаси йил эса 1000 тонна дала. Бу келаси йил тармаи 2021 йилга бориб эса икки 747 миллиарда етказиш им

Катта ишларни бошлаган
рингизнинг роҳатини кўринг

меҳмоннавозлигидир. Шунинг учун ҳам Паркентни келажақда чет эллик сайёҳлар ва меҳмонлар ҳавас билан ташриф буюрадиган гўзал масканга айлантириш юзасидан давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар туманимизда янги-янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Бу ерда ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хусусан, янги лойиҳалар асосидаги турар-жой биноларини барпо этиш туман аҳолиси турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади.

– Ҳадемай, Паркентда Самарқанддаги Боғи Шамол, Боғи Баланд, Бухородаги Боғи Афзал, Боғи Нурафшон каби боғлар бунёда қелиши- га ишонамиз, – дейди Ном- данак қишлоғида яшовчи 91 ёшли уруш қатнашчиси Анор- бой ота Жалилов. – Чунки, паркентликларнинг аждодла- ри боғбону соҳибкор ўтган, одамларимиз меҳнатқаш.

р йили узумзорларни 3-4 минг гектар билан яшамокдалар. Бу саъй-буҳса 7 йил ишқомлардан 81 минг тонна узум узиш нияти-даромадини 316 миллиардга, баравардан зиёд ошириб, инини бериши кўтилаяпти.

мандошларимизга: "Меҳнатла-
деймиз.

Солиддин САЛОҲИДДИНОВ,
мехнат фохрийси.

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2796-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 3 мартда 83-сонли қарори қабул қилиниб, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини ва қурилиши тугалланмаган объектларни хатловдан ўтказиш ва аниқлаш бўйича вилоят идораларо ва ҳудудий ишчи комиссиялари томонидан фаолиятсиз, фойдаланилмаётган йирик ишлаб чиқариш майдонлари ва қурилиши тугалланмаган объектлар аниқланди.

Куйида мазкур объектлар рўйхати эълон қилинмоқда:

Аввал хусусийлаштирилган фаолият юритмаётган корхоналар, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизда ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича МАНЗИЛЛИ ДАСТУР*

[illegible]

31	АПТЕК 105	ЧП "ЖАХОН ТИ" "НЭПЭГ TRADING INVEST" МҲК	Бобоқов шаҳри	0,0155	0	Улутлар дорғона	2017	август	3	3	130	60	70	50	100	0	0
32	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	1,097	1,097	Пойабал тақсим, тиксу иези, автосервис хизмати	2017	сентябрь	500	0	500	500	0	10	23	0	0
33	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	0,9714	0,9714	Консептер меъмулотларни ишлаб чиқариш	2017	август	13	2	1000	200	800	180	197	0	0
34	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	10,14	10,14	Қўшмача транспорт сервис хизмат йўловчилар ташви хизматлари йўлга қўйиш	2018	май	18	50	3250	0	3250	0	730	0	0
35	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	3,87	3,87	Пен ва қандаш меъмулотларни	2017	ноябрь	70	0	1500	0	1500	132	145	0	0
36	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	3,1705	3,1705	Ботлар уйиғи фаворитин йўлга қўйиш	2017	ноябрь	4	0	520	520	0	0	25	0	0
37	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	5,4061	1,7	Ташуви фаворитин йўлга қўйиш	2017	ноябрь	100	0	16577	16177	400	0	1500	0	0
38	Био-иниопот	"Олмалик шаҳри	Олмалик шаҳри	0,0182	0,0182	Тикувалик фаворитин йўлга қўйиш	2017	ноябрь	7	0	400	300	100	27	40	0	0
39	Собик "Ховошча" дўкани	"Султано шаҳри	Чирчик шаҳри	-0,57	-0,57	Текстиль-фаворитин ташкил этиш	2017	декабрь	10	0	100	100	0	0	25	0	0
40	Профитатор биоси	"Тўрар шаҳри	Чирчик шаҳри	0,63	0,63	Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш	2017	декабрь	20	0	400	50	350	0	20	0	0
41	Собик дўкан биоси	"Манат шаҳри	Чирчик шаҳри	0,29	0,29	Аҳолига миний хизмат кўрсатиш ташкил этиш	2017	декабрь	10	0	100	20	80	0	22	0	0
42	Савдо-сотиқ компания дўкани	"Чирчик шаҳри	Чирчик шаҳри	0,64	0,64	Аҳолига миний хизмат кўрсатиш ташкил этиш	2017	июль	6	0	250	0	250	50	18	0	0
43	"Нотурайов" биоси	"Бирек шаҳри	Чирчик шаҳри	0,072	0,072	Ушв марказини ташкил қилиш	2017	декабрь	10	0	120	120	0	0	20	0	0
44	Перелетини марказини собик қар қилиш биоси	"Шарофидин дўкани" МҲК	Чирчик шаҳри	0,011	0,005	Автосервис, автохизмат хизмат кўрсатиш ва соғи ишлаб чиқариш йўлга қўйиш	2017	декабрь	4	0	100	50	50	10	21	0	0
45	Ярим ағдла биоси	Тўрлоқини Шаҳри Жаҳилова	Чирчик шаҳри	0,0172	0,0172	Аҳолига миний хизмат кўрсатиш фаворитин йўлга қўйиш	2017	декабрь	5	0	130	30	100	0	24	0	0
46	Дўкан биоси	Тўрлоқини Жаҳилова	Чирчик шаҳри	0,0144	0,0144	Аҳолига хизмат кўрсатиш (мануфактур жели) фаворитин ташкил этиш	2017	декабрь	2	0	20	20	0	0	23	0	0
47	ООО Зафар	Қорон кул агро дўкан	Бобоқов тумани	0,12	0,12	Чойхона	2018	Март	0	7	300	100	200	0	250	0	0
48	ООО Зафар	Бекмамбид байлов ФУХ	Бобоқов тумани	1,01	1,01	Ташувилик, офис	2018	апрель	0	7	300	100	200	0	300	0	0
49	Северт х/к	Северт х/к	Бобоқов тумани	0,25	0,25	АКЦИА хизматини йўлга қўйиш	2018	июль	0	3	200	10	190	0	32	0	0
50	АОЛ "Бобоқов савдо"	АОЛ "Бобоқов савдо"	Бобоқов тумани	1,06	1,06	чирчилик	2018	март	0	11	600	250	350	0	10	0	0
51	"Рахима Агро фарм" ЧШЖ қарши бун объект	"Рахима Агро фарм" чирчилик фермер хўжалиги	Зангиота тумани	0,64	0,64	Объекта реконструкция қилиш ҳамда чирчиликни йўлга қўйиш	2017	сентябрь	3	0	260	260	0	0	200	0	0
52	Османли Келес 2-сонли ширкати	"Дреге фарм" ШЖ	Зангиота тумани	0,49	0,49	Реконструкция қилиш ҳамда ту ишлаб чиқариш йўлга қўйиш	2017	июль	7	0	95	95	0	50	62	0	0
53	Топкант гул биоси	"Агро food city" ЧШЖ	Зангиота тумани	15,2	15,2	Лексизини марказини ташкил этиш ҳамда меъмулотлар барио этиш	2017	декабрь	100	100	9200	2000	7200	200	1500	0	0
54	АООТ "Келес Шароб"	"Келес Шароб" МҲК	Зангиота тумани	3,77	3,77	Ушвини қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйиш	2017	сентябрь	8	0	300	300	0	300	335	0	0
55	Нотурайов био-иниопотлари	Green Drive Asia МҲК	Ошантарон тумани	0,98	0	Қишлоқ қурилиш банк Ошантарон тумани филиалининг 100 млн.сўм кредити ҳамда ташкилчиликнинг 150 млн.сўм маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилиш	2017	ноябрь	3	5	250	150	100	300	400	0	0
56	Савдо дўкани био-иниопотлари	"Иктерий Шама" ДХ	Ошантарон тумани	0,13	0	Хановор банк Олмалик филиалининг 20 млн.сўм кредити ҳамда ташкилчиликнинг 70 млн.сўм маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилиш	2017	сентябрь	2	0	90	70	20	100	200	0	0
57	Топкант ирмид, термоян био-иниопотлари	"Ақдо Теуеубе" ХК	Ошантарон тумани	1,13	0	Ташкилчиликнинг 65 млн.сўм маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилиш	2017	июль	3	5	65	65	0	172	250	0	0
58	Мингтерак чойхонасининг бугақачини кейинги урни	"Изаббердиев Ақром" ЯТТ	Ошантарон тумани	0,63	0	Агробанк 200 млн.сўм кредити ҳамда ташкилчиликнинг 100 млн.сўм маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилиш	2017	сентябрь	10	12	300	100	200	115	200	0	0
59	"Эски био урни	"Liquide Poulay" МҲК	Ошантарон тумани	15,8	15,8	Ушановот қурилиш банк 1 млн.АКЦИ жели кредити ҳамда ташкилчиликнинг 150 млн.АКЦИ жели маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилиш	2018	сентябрь	30	50	4140	540	3600	0	500	0	0
60	"4е-сон Ақманат Автомобилист" МҲК	Парикент Рухом	Ошантарон тумани	2,31	1,3	Текстиль-фаворитини ташкил этиш	2018	декабрь	0	100	4000	4000	0	0	0	0	0
61	"Мафсуна" МҲК	МҲК шашликчи "БАКТА" КК	Ошантарон тумани	2,85		Ташкилчиликнинг 1,8 млрд.сўм ва 1,0 млрд.сўм банк кредити маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил қилиш	2017	май	45	15	2800	1800	1000	200	350	0	0
62	Топ.об.а. холостой дўкан	"Нисол" ХК	Ошантарон тумани	4,0	4,0	Ғалат ишлаб чиқариш	2017	август	60	0	500	500	0	70	120	0	0
63	Ташкилчиликни тарғибловия меъмулотларини қилиш соҳасини	"ZIYO QURLISH" АУ" х/к	Ошантарон тумани	3,52	1,5	Ликонийни ташкил қилиш (таскиловия)	2017	октябрь	6	0	100	40	60	15	30	0	0
64	Собик кино заводи	"Тўрдоғ Эркинов Ермол" ФУХ	Парикент тумани	3,00		1. Мену советини ошантарончи. 2. Мену қурилиш пекх. 3. Мену компентри қурилиш пекх	2017	август	32	0	10500,0	3500,0	7000,0	720,0	3700,0	1890,0	1000,0
65	10-сонли текшик хизмат кўрсатиш чойхонасини	Турсулхон ХК	Парикент тумани	0,20		Машиный хизмат кўрсатиш	2017	сентябрь	9	0	800,0	400,0	400,0	200,0	300,0	0,0	0,0
66	Арриччи био-иниопотлари	Тоқибоев Яхшибеи	Парикент тумани	1,01		Қишлоқ хўжалиш меъмулотларини консервация фаворитини ишла тузиш	2017	июль	10	0	280,0	80,0	200,0	21,0	41,0	0,0	0,0
67	"Эски ЕҚШ биоси	Қурилиш савдо қурилиш сервис МҲК	Парикент тумани	0,06		Савдо ҳамда миний хизмат кўрсатиш	2017	ноябрь	4	0	200,0	50,0	150,0	20,0	50,0		
68	Чойхона биоси	"Асб биоси Сафар" МҲК	Парикент тумани	0,02		Савдо маркази ҳамда миний хизмат кўрсатиш ташкил этиш	2017	май	4	0	200,0	200,0	0,0	30,0	50,0		
69	Савдо дўкани биоси	Келесова Зарина	Парикент тумани	0,04		Савдо маркази ҳамда миний хизмат кўрсатиш ташкил этиш	2017	август	2	1	50,0	20,0	30,0	20,0	40,0		
70	Савдо дўкани биоси	Хайитов Зафар	Парикент тумани	0,02		Савдо дўкани ҳамда миний хизмат кўрсатиш фаворитини йўлга қўйиш	2017	август	3	0	12,0	12,0	0,0	2,3	2,4	0,0	0,0
71	Нисол хизмати био-иниопотлари	Мирзоитов Мирзохон	Парикент тумани	0,02		Келесиди аялрва берил	2017	июль	1	1	9,0	9,0	0,0	5,0	0,0		
72	Чойхона биоси	Норинатов Ади	Парикент тумани	0,02		Чойхона фаворитини ишла тузиш	2017	май	3	0	5,0	5,0	0,0	1,0	1,0	0,0	0,0
73	Ошантарон биоси	"Вини итгани эскиловия" МҲК	Парикент тумани	2,24		Вини эскиловия ва миний хизмат кўрсатиш ташкил этиш	2017	июль	150		1620,0	1620,0		1800,0	3600,0	450,0	900,0

*Дастур «Тошкент хакикати» ва «Ташкентская правда» газеталарида икки қисмга бўлиб эълон қилинмоқда.



– Болажонлар учун сўлим оромгоҳларда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Биз нафақат оромгоҳларда дам оладиган, балки уйда, ота-оналари ёнида қоладиган болажонларнинг ҳам ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишларини таъминлашга тайёргарлик кўрганмиз.

Берилган маълумотларга кўра, бу йил вилоятда ёз мавсумида 32 минг 614 нафар болани мазмунли дам олдириш ва соғломлаштириш белгиланган. Улардан 9 минг 200 нафарига имтиёзли, 920 нафарига бепул йўланмалар ажратиш кўзда тутилган. Оролбўйи минтақасидан 1 минг 250 нафар ўғил-қизини Тошкент вилоятидаги болажонлар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш, 100 нафар "Меҳрибонлик уй"лари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчиларини соғломлаштириш режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, шаҳар корхоналари, ташкилотлари-

Болажонлар 1-бета.

нинг вилоят ҳудудида жойлашган оромгоҳларида болаларнинг ёши ва қизиқишини эътиборга олган ҳолда, интеллектуал ривожланиш, меҳнат ва дам олдириш, ҳарбий-спорт, экологик-биологик, ўлкашунослик

та ва журналлар билан таъминланади.

Шу масала бўйича биз вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳам боғландик. Бошқармадан олинган маълумотларга кўра, бу йил 160 та умумтаълим мактабиди кун-

бий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти, уларнинг санитария-гигиена талабларига жавоб беришини назорат қилиш, таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишларини юқори даражада

унумли ўтказиш учун оромгоҳларда турли дастурлар, тўғарақлар фаолияти, чўмилиш ҳавзала-ридан фойдаланиш йўлга қўйлади. Стационар оромгоҳларнинг педагог-кадрларга талаби ҳисобга олиниб, тажрибали ўқитувчилар рўйхати шакллантирилди.

"Зангори олов", "Нихол", "Хумо", "Ёшлик", "Кимёгар", "Металлург" намунали оромгоҳлардан ҳисобланади.

Оромгоҳлар, аввало, ўғил-қизларнинг мазмунли дам олишлари, шу билан бериб бериш бағрида соғлигини тиклаб, бўш вақтини фойдали машғулотлар билан ўтказишига хизмат қилади, дейди "Ёшлик" болажон соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари Шоали Аҳмеджонов. – Биз шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда 360 ўринга мўлжалланган оромгоҳимизни барча талабларга жавоб берадиган тарзда таъмирлаб, шинам ётоқхоналар, кўрса кўз қўнай-диган маънавият-маърифат хонаси, биринчи ёрдамга шай турган тиббиёт хонаси, ошхона, ўндан ортқ тўғарақлар фаолиятига мўлжалланган хоналарни тахт қилиб қўйдик. Бундан ташқари, болажонларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам барча чора-тадбирлар кўриб қўйилган.

Хуришда
НАЗАРОВА.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЖОНЛАРГА МУНТАЗИР



ҳамда ихтисослашган болажон оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Чет тили тўғарақлари дастурлари такомиллаштирилиб, педагог-кадрлар учун методик қўлланма ва тавсиялар тайёрланди. Барча оромгоҳларда кўча кутубхоналар фаолият кўрсатади. Улар бадий адабиётлар, газе-

дузги оромгоҳлар ташкил этилиб, 17 минг 600 нафар ўқувчи ҳордиқ чикариши режалаштирилган. Бунинг учун мактаблар раҳбарлари, спорт йўриқчилари, тарбиячилар, тўғарақ раҳбарлари учун махсус ўқув семинари ташкил этилди. Семинарда оромгоҳларда болаларга малакали тиб-

ташқил этиш, малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Зокир Талбоевнинг айтишича, болажонларнинг вақтларини қизиқarli ва

Ибратхона

САҲНАДАГИ БОНГ

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музика театрида кун кеча яна бир янги спектакль премьераси бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов режиссерлик қилган "Дилдаги доғ ёхуд қопқон" номли спектакль драматург Қўчқор Норқобил асари, Сарвар Юсупов музикаси асосида саҳналаштирилган. Асарда дунёнинг бугунги долзарб муаммолари – диний экстремизм ва терроризм балосига йўлиққан, бошқача айтганда, алданган ва адашган ёшлар қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Оқу қорани яхши билмаган ўсмирларни ўз домига тортган "аср вабоси"га қарши курашган мард ўғлонлар ҳаёти ибрат сифатида кўрсатилади. Воқеалар ривожини сўз мулки султони ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг "Ҳар нафасинг ҳолидан огоҳ бўл, Балки анга ҳўш ила ҳамроҳ бўл", деган ҳикмати ёдидимизга солди.

Мазкур спектаклда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулчехра Носирова, Турғун Бекназаров, Ҳамид Тўхтаев, Александр Бекжонов каби устоз санъаткорлар билан бир сафда Умид Шодмонов, Отабек Ҳақбердиев каби истеъдодли актёрлар ҳамда Расулхон Қодирхонов, Зулфия Умирова, Жумагул Ўсарова каби ёшлар турли образларни талқин этишган.

Соҳта ваъдаларга ишониб, ўз юртига, жигарларига сотқинлик қилган ва охири-оқибати пушаймонлик ботқоғига ботган ёшлар дилидаги ўчмас доғлар ҳақида сўз юритувчи асар бизни хамиша сергак бўлишга, тинчлик-оқошталанишнинг қадрига етишга ундайди. Саҳнада "огоҳ бўлинг, одамлар", дея бонг урилади гўё.

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Реклама ва эълонлар

"Шарқий Ўзбекистон геологик тасвирлаш-излаш экспедицияси" Давлат корхонаси Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўргони, Мустақиллик кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган маъмурий бинонинг иккинчи қаватини ва иситтич тизимини капитал таъмирлаш бўйича икки босқичдан иборат

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов бўйича тижорат таклифлари 2017 йил 15 июнга қадар Зангиота тумани, Эшонгузар кўргони, Охунбоев кўчаси, Автохўжалик биносиди қабул қилинади.

Маълумот учун тел.: (0370) 975-27-69.

"Қўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 3 май № 36 (12984)-сониди ТИФ Миллий банки Тошкент вилояти бўлимига қарашли, Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Янги турмуш ҚФЙ, "Қўтарма" маҳалласида жойлашган қойхона, дўкон биноси, бостирмадан иборат бир қаватли тураржой бинолари бўйича эълон қилинган оммавий савдолар тўхтатилганлигини маълум қилади. Қўшимча маълумот учун тел.: 228-80-24.

Bolalik bog'i



QUSHLAR HAM YIG'LAYDI

Maktabdan qaytsam, buvim ostonada nimalidir pichirlab o'tiribdir. Odatlari shunaqa. Yangi chiqqan meva cheva y e s a l a r : "Omonlik-somonlik, sira ko'rmaylik yomonlik", deb duo qiladilar. Ko'klamda uchib keladigan turna, qaldirg'och, chittaklarni ko'rsalar ham: "yetkazganingga, ko'rsatganingga shukr" deyidilar. "Qara, bolam, o'zimning qaldirg'ochlar uchib kelibdi", deb sevinadilar. Mening esa ensam qotadi. Eshikdan haydasang, teshikdan kiradi ular. Bolalari uchirma bo'lganda, hammayoqni ivirsitishini aytaysizmi?

Bu yil ham o'zimning qaldirg'ochlar kelib bulturgi uyalarini ta'mirlay boshlashdi. Velosipedimning g'ildiragi teshilib yotuvdi. Shu mushtdek qushlar g'imirlasa-yu, men g'ildirakni yamay olmasam... Buning ustiga qaldirg'ochlar tepamdagi simga qo'lib, chug'urlashib, ustimdan kulgandek tuyuldi.

Baribir g'ildirakni yamay olmadim. Alamimdan qaldirg'ochlarning bitgan uyasini yog'och bilan turtgan edim

ko'chib tushdi. Ichida bir juft tuxumi bor ekan, "paq" etib sindi. Yaxshiyam shu kuni buvim uyda yo'q edilar.

Qaldirg'ochlar chag'ir-chug'uri avjiga chiqdi. Tez kunda yangi uya qurib olishadi, deb o'yagandim. Negadir qurilishni boshlashmadi, uchib ham ketishmadi, bo'g'otga qo'lib, mo'ltirab o'tiraverishdi. Buvim: "Ziyoni tegmaydigan jonivorlarga ozor yetkazish gunohi azim", derdilar. Shuni eslab, xatolarimni anglay boshladim.

Yanagi bahor taxtachadan kichkina uya yasab, hademay uchib keladigan qaldirg'ochlarimning buzilgan ini o'miga osib qo'ydim. Xayolimda bugun-erta bir juft qaldirg'och uchib kelib, yangi uyada hayot boshlaydigandek, butun hovlimizni qaldirg'ochu chittaklarning ovozi tutib ketadigandek edi.

Afsus, qaldirg'ochlar uchib kelishmadi. Buvimning aytishlaricha, qaldirg'ochlar ko'klamda ochgan bolalarini kuzda issiq o'lkalarga olib ketisharkan va o'zlari o'sha yurtlarda nobud bo'larkan. Kelasi yil esa bolalari o'zlari "tug'ilib-o'sgan" uylarini adashmay topib kelar ekanlar...

Men esa qadrdonlarimning ham uyasini buzib, bir juft tuxumini sindirib, tuzatib bo'lmas xatoga yo'l qo'ygan ekanman.

Muhayyo TO'LAGANOVA.



УЧ ҚИТЪА ПОЛВОНЛАРИ ЧИРЧИҚДА БЕЛЛАШДИ

Осиё кубогига ёш спортчилар 2018 йили Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида бўладиган III ўсмирлар Олимпиади уйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг баллари учун ҳам ўзаро рақобатлашди.

Кадетлар ўртасидаги беллашуларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари тўққизта олтин, етти та кумуш ва ўн олтинта бронза медалга сазовор бўлди. Терма жамоамизнинг галабасига ўғил болалар иштирокидаги баҳсларда барча рақибларини мағлубиятга уратган Тошкент вилояти

Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича кадетлар ва ўсмирлар ўртасида Учкун Муродов хотирасига бағишланган Осиё кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Халқаро дзюдо федерацияси шафелигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада Осиё, Америка, Европа қитъаларидан умумий ҳисобда 350 нафардан зиёд истеъдодли ёш дзюдо-чи ўз вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.

Осиё кубогига ёш спортчилар 2018 йили Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида бўладиган III ўсмирлар Олимпиади уйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг баллари учун ҳам ўзаро рақобатлашди.

Кадетлар ўртасидаги беллашуларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари тўққизта олтин, етти та кумуш ва ўн олтинта бронза медалга сазовор бўлди. Терма жамоамизнинг галабасига ўғил болалар иштирокидаги баҳсларда барча рақибларини мағлубиятга уратган Тошкент вилояти

Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича кадетлар ва ўсмирлар ўртасида Учкун Муродов хотирасига бағишланган Осиё кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Халқаро дзюдо федерацияси шафелигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада Осиё, Америка, Европа қитъаларидан умумий ҳисобда 350 нафардан зиёд истеъдодли ёш дзюдо-чи ўз вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.

Ишдан барвақтроқ қайтдим. Ўғлим Отабек ҳовлида ўйнаб юрган экан. Мени кўриб, юз-гилаб келди-ю, кўзлари ёниб:

– Дадажон, қачон менга яхши китоб олиб берасиз? – деб сўради.

Дабдурустан берилган саволдан каловланиб қолдим-у, беихтиёр:

– Бўпти, эртага яхши китоб совға қилганим бўлсин, – деб ваъда бериб юбордим.

Эртасига вақт топиб, туманимиз маркази – Янгибозордаги дўконларни айлانгани чикдим.

Бораяпман-у, узоқ-яқиндаги воқеалар ҳаёлимдан бир-бир ўта-япти. Марҳум устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Эркин Усмонов 2012 йили янги уйга кўчаётганда қўшнилари машинадан туширилаётган тўп-тўп китобларни кўриб: "Бу одамнинг китобдан

бошқа мол-мулки йўқ экан-да", деб ҳайрон бўлишган экан. Ҳақиқатан ҳам устознинг шахсий кутубхонасидаги китоблар 10 000 дан ошарди. Жаҳон адабиётининг маълум ва машҳур намуналаридан тортиб, энциклопедия, лугат, маълумот-нома ва дарсликларгача бор эди. Биринчи ўқиган китоби инглиз ёзувчиси Э. Блайтнинг "Машҳур ўрдакча Тим" асари бўлганини ҳам унутмасди.

Тоғаси, филология фанлари номзоди Тўхтамурод Зуфаров ҳар йили туғилган кунда китоб совға қилишини, шу тахлит жуда кўп ноёб асарлар шахсий кутубхонасидан жой олганини таъкидларди.

Эркин Усмонов "Эртақ каби гўзал бир олам..." номли китобининг 46-саҳифасида шундай ёзади: "Талабалик йилларимиз ётоқхонада Озода исмли бухорилик курсдошимиз-

нинг туғилган кунини нишонлаганимиз ва бу шўх-шаддо қиз: "Менга атир-патирлар керакмас, Ўткир Ҳошимовнинг китобларидан совға қилсангиз бас", дегани эсимда..."

Шундай қилиб, Янгибозордаги девонхона моллари сотиладиган бир-иккита дўконда беш-олти хил китобга кўзим тушди. Улар ҳам асосан катталарбоп. Бир вақтлар шу шаҳарчада каттагина китоб дўкони бўлар-

миссия тузиш тўғрисида"ги Фармоишида: "Авалло, бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш..." зарурлиги таъкидланган. Мазкур давлат, айниқса, ёшларда китобга жиддий меҳр уй-

Мутолаа

КИТОБ ОЛИБ БЕРИНГ, DADAJON...

ди. Ҳозир Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-хунар коллежига қарашли Ахборот-ресурс марказигина китобхоналарга хизмат кўрсатади. Унда 120 мингга яқин бадий китоблар бўлиб, 4323 китобхона доимий аъзо.

Бир вақтлар дугонадугонана, ўртоқ-ўртоққа, дўст-дўстга туғилган кунларида китоб совға қилиш урф бўлганди. Энди-чи? Китоб ўрнига лаш-лушларни совға қилиш одатга айланиб бормокда. Ҳозир кўпайиб ёшларимиз негадир китоблар оламидан узоқлашаётгандек туюлади менга...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича қо-

ғотиб, юртимизда китобхонлик маданиятини янада оширишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Хуллас, ўша кунни ўғлимга берган ваъдани бажаролмай, кайфиятим тушиб, уйга келдим-у, кутубхонамга кирдим. Салкам ўттиз йилдан бери йиғиб келаётган 1000 дан зиёд китобларим орасидан ўғлим-бопини излашга тушдим. Ниҳоят, икки-уч болажон шoirларининг шеърий китобларини топдим.

– Мана, тойчоғим, сенга зўр китоблар топиб келдим, – деб қўлига тутқаздим.

У дуч келган саҳифани очиб, олам-олам қувонч билан ўқий бошлади: "Ҳаётимиз ойнаси, Билимларнинг онаси, Билмлар дурдонаси Менга ўргатган одоб, Бу китобдир, бу китоб..."

Латифжон
МАНСУРОВ.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

«ХОТИРА ТУРНИРИ» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан Чиноз туманида болалар ўртасида туман биринчилиги учун "Хотира турнири" футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Навқирон авлоднинг спортга қизиқишини янада кучайтириш, уларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб ўлғайишларини таъминлашга қаратилган ушбу турнир туман хотин-қизлар қўмитаси, давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Қизгин беллашулар остида ўтган турнир натижаларига кўра биринчи ўрин – "Хўжа" маҳал-

ласи спортчиларига насиб этди. Ҳамза номли маҳалла жамоаси иккинчи, "Гулзоробод" маҳалласи футболчилари эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шунингдек, ўн ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларда "Қози" маҳалласилик футболчиларга тенг келади-гани бўлмади.

Табдир якунида барча ғолиб жамоалар вақилларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Юлдузхон
МУҲИДИНОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маъзилимиз:
100000;
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@gmail.uz

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-79-96
233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
233-81-21, 233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва Т. МАХМУДУДЖАЕВ томонидан саҳифаланди.

Масъул котиб
Бехзод ҚОБУЛОВ
Навбатчи муҳаррир
Ҳолмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА